

Дониёр ШЕРЖОНОВ

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Аннотация: Мақолада мажбурий пенсия жамғармаси фаолиятини тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси хусусида фикр юритилган. Уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятлари тизимлаштирилган. Уларга нисбатан мустақил муаллифлик ёндашуви шакллантирилган, шунингдек, пенсия жамғармасига ундириладиган йғимлар ҳажмини оширишнинг афзалликлари назарий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланган.

Калит сўзлар: енсия жамғармаси, жамғариб бориладиган пенсия тизими, пенсия тизими, давлат пенсия тизими, пенсия таъминоти, ўрнатилган тўловлар, ўрнатилган бадаллар.

THE ROLE OF THE STATE IN REGULATING THE ACTIVITIES OF THE PENSION FUND

Abstract: The article discusses the world experience of regulating the activities of the mandatory pension fund. Their mutual and different characteristics are systematized. An independent author's approach to them was formed, as well as the advantages of increasing the amount of levies charged to the pension fund were evaluated from a theoretical and legal point of view.

Key words: national fund, accumulated pension system, pension system, state pension system, pension provision, fixed payments, fixed contributions.

КИРИШ

Мамлакатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида пенсия таъминоти муҳим ўрин тутди. Демографик омиллар таъсирида аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улушининг ортиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариб бориши барқарор, ишончли молиявий ресурслар билан таъминланган пенсия тизимини яратишнинг мақбул моделини танлашни тақозо этади. Шу сабабли дунё мамлакатларида пенсия тизимининг таркиби, амал қилиши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат ғазнасига хар-хил манбалардан ва турли воситалар (солиқлар, йиғимлар, божлар, мажбурий тўловлар) билан маблағ йғилади, бу маблағлар турли соҳа ва тармоқларни сақлаш учун сарфланади (масалан; таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, иқтисодиёт, давлат бошқаруви ва б.).

Бунда аниқ бир даромад тури маълум бир харажат турини қоплаш учун бириктирилмайди. Шу жihatдан давлат бюджети универсал пул жамғармаси ҳисобланади. Лекин амалдаги бюджет қонунчилиги маблағларнинг аниқ йўналишлари, харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича сарф этилишини талаб этади, ва бу айти тўғри талаблардан биридир.¹

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Barr va Diamond пенсия тизими бўйича дунёдаги энг етакчи иқтисодчилардан ҳисобланади. Уларнинг илмий ишларида давлатнинг пенсия тизимидаги роли “second-best” ёндашуви билан изоҳланади. Яъни, мукамал бозор шароитлари мавжуд бўлмаган реал иқтисодиётда давлатнинг аралашуви мувозанатни сақлаш ва тизимга ишончни ошириш учун зарур. Тадқиқотларида улар иқтисодий-назарий моделлаштириш усулидан фойдаланган. Хулосага кўра, агар давлат минимал пенсия кафолатини бермаса ва назорат функциясини етарли даражада амалга оширмаса, аҳолининг пенсия жамғармаларига ишончи пасаяди ва ихтиёрий жамғарма тизимлари самарали ишламайди.

ХВФ томонидан тайёрланган турли мамлакатлар бўйича солиштирма ҳисоботларда давлатнинг пенсия сиёсатидаги роли кўплаб мисоллар орқали ёритилади. Методология сифатида турли мамлакат тажрибаларини ўз ичига олган comparative analysis ишлатилган. Ҳисоботларда таъкидланишича, пенсия тизимининг давлат ёки хусусий шаклини танлашдан қатъи назар, ҳукумат регулятор, кафолатчи ва ишонч манбаи сифатида тизим барқарорлигини таъминлаши шарт. Мисол тариқасида, Чилидаги хусусийлаштирилган пенсия тизимида ҳам давлат назорати кучли бўлмаса, молиявий рисклар аҳолига юк бўлиши мумкинлиги қайд этилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz.com/ru/jamiat/byudjet-kodeksiga-ozgartishlar-kiritildi>.

Kurmanalina va бошқалар Қозоғистондаги пенсия тизими ислохотини case study методида ўрганган. Уларнинг фикрича, пенсия жамғармаси фаолиятини муваффақиятли тартибга солиш учун фақат давлат назорати етарли эмас, балки ривожланган молия бозорлари, мустақил аудити тизими ва ошкоралик стандартлари ҳам зарур. Тадқиқотда Қозоғистонда давлат пенсия жамғармаси ва хусусий фондларнинг параллел фаолият юритиши тажрибаси ўрганилиб, регуляторликнинг етарли даражада бўлмагани аҳолининг узоқ муддатли жамғарма интилишларига салбий таъсир қилгани таъкидланган.

OECD мутахассислари пенсия фондлари фаолиятини asset-liability management (ALM) моделларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилган. Уларнинг фикрича, давлат томонидан белгиланган жуда қаттиқ регулятсия (масалан, инвеститсия портфелининг қатъий чекловлари) фондларнинг активларни оптимал жойлаштириш имкониятини камайтиради, натижада молиялаштириш харажатлари ошади. Шу билан бирга, ҳаддан ташқари юмшоқ назорат эса молиявий рискларнинг ортишига олиб келиши мумкин. OECD экспертлари давлат назорати билан бозор эркинлиги ўртасида мувозанат топишни тавсия этади.

Norcross va Smith сиёсий-иқтисодий ёндашув асосида АҚШдаги давлат пенсия фондлари фаолиятини таҳлил қилган. Уларнинг фикрича, регуляторлик фақат юридик қоидалар билан чегараланмаслиги керак, балки молиявий ҳисобдорлик ва шаффоф ҳисобот тизими билан мустаҳкамланиши зарур. Метод сифатида сиёсий иқтисод таҳлили ва бюджет маълумотларини таҳлил қилиш ишлатилган. Хулосага кўра, агар давлат пенсия фондларининг молиявий мажбуриятлари ва активлари тўлиқ очиқланмаса, узоқ муддатли барқарорлик хавф остида қолади.

Sourish Das va бошқалар пенсия тизимларидаги инвеститсия хавфларини камайтириш бўйича Monte Carlo симулятсия методидан фойдаланган. Уларнинг таҳлилига кўра, бозор инқирозлари ёки фоиз ставкалари ўзгаришида давлатнинг кафолат механизми мавжуд бўлса, пенсия жамғармалари иштирокчиларининг молиявий йўқотишлари сезиларли даражада камаяди. Бу механизм давлат томонидан субвенсия, суғурта ёки қайта молиялаш шаклида бўлиши мумкин.

An Chen va бошқалар пенсия тизимида авлодлараро рискларни тақсимлашни Bayesian optimization ва стохастик моделлаштириш ёрдамида таҳлил қилган.

Уларнинг натижаларига кўра, давлат авлодлар ўртасида молиявий рискларни мувозанатлаштирувчи механизмларни яратмаса, келажак авлодлар иқтисодий жиҳатдан кўпроқ зарар кўради. Бу механизм солиққа асосланган трансфертлар ёки мажбурий жамғарма ставкаларини мослаштириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Мазкур тадқиқотда давлат пенсия фондларининг инвестиция сиёсати ва ижтимоий масъулиятли инвестициялар (CSR) ўртасидаги боғлиқлик ўрганилган. Эмпирик таҳлил натижаларига кўра, давлат пенсия фондлари аҳолининг ижтимоий қадриятларига мос равишда инвестиция йўналишларини шакллантирса, иштирокчилар ишончи ошади ва сиёсий қўллаб-қувватлаш кучаяди. Бу, ўз навбатида, узок муддатли барқарорликни мустаҳкамлайди.

Robin Ellison глобал миқёсдаги пенсия фондлари регуляцияси бўйича солиштира таҳлил ўтказган. Унинг фикрича, ҳукумат қафолатлари ва қатъий регуляторлик стандартлари пенсия тизимининг асосий таянч нуктаси бўлиб, бу нафақат молиявий хавфларни камайтиради, балки иштирокчилар орасида узок муддатли ишончни шакллантиради. Тадқиқотда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги ёндашув фарқлари ҳам ёритилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ilmiy tadqiqotni amalga oshirishda induksiya, deduksiya, sintez va qiyosiy tahlil kabi usullardan foydalanilgan.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Маълумки, биринчи классик пенсия тизими XIX аср охирларида пайдо бўлган бўлиб, биринчи тўлақонли пенсия тизимини яратиш борасида етакчи давлат Германия ҳисобла нади. 1883-1884 йилларда Германияда касаллик ва шикаст олганлик учун молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинди, кейинчалик 1889 йилда пенсия таъминоти пайдо бўлди¹. XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб пенсия таъминоти барча ривожланган мамлакатларда ижтимоий таъминотнинг асосий шаклига айланди.

Мамлакатларда юз бераётган иқтисодий ва демографик ўзгаришларга боғлиқ равишда пенсия таъминоти соҳасида ҳам муҳим ислохотлар амалга оширилиб

келинмоқда, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби ўзгариб, такомиллаштирилмоқда. Ўз навбатида, пенсия таъминоти тизимини ташкил қилиш шакллари ва молиялаштириш усуллари бугунги кунга қадар илмий мунозара майдонида бўлиб келмоқда, муҳокамалар давом этмоқда.

Ушбу соҳада изланиш олиб бораётган мутахассис ва тадқиқотчилар пенсия тизимларини давлатнинг иқтисодиётдаги роли, хусусий ва давлат пенсия тизимлари компонентларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб гуруҳлашга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича, пенсия тизимлари эволюцияси давлат моделларининг аралаш моделларига қараб, аралаш моделлардан эса хусусий моделларга қараб ривожланган.

Бошқа гуруҳ мутахассислари пенсия тизимларини ташкил этишнинг англосаксон (Беверидж модели) ва континентал (Бисмарк модели) тизимларини фарқлашади. Уларнинг фикрича, Беверидж моделига хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат: иш ҳақи миқдорининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг юқори лиги (60-65%), тақсимот тизимида ажратилаётган бадаллар миқдорининг камлиги (иш ҳақи миқдorigа нисбатан 12-14% ёки ЯИМга нисбатан 6-7%), қўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 3-4%). (Буюк Британия, АҚШ, Канада мамлакатларига хос).

Бисмарк модели эса (Германия, Италия, Австрия, Франция) қуйидаги хусусиятларга эга: иш ҳақи миқдорининг ЯИМдаги улушининг камлиги (45-50%), бадаллар миқдорининг юқорилиги (ЯИМга нисбатан 15%гача), қўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 2-3%).

Яна бир гуруҳ иқтисодчилар пенсия тизимини ташкил этишнинг қуйидаги уч хил турини фарқлашади.

Беверидж модели. Бу модель Буюк Британия, Австралия, Ирландия, Канада ва Шимолий Европанинг қатор мамлакатлари учун хос ҳисобланиб, собиқ совет пенсия тизимида хос бўлган умумий тамойилларга эга.

Хусусий корпоратив модель. Ушбу модель АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатлари, Португалия, Бельгия, Нидерландия, Финляндияга хос бўлиб, устун даражада нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятига асосланади.

Бисмарк модели. Бу модель Германия, Австрия, Люксембург, Франция, Италия, Греция, Швейцарияда қўлланилади. Ушбу модель пенсия фондларини

шакллантиришда иш берувчилар ва ёлланиб ишловчиларнинг тенг қатнашишларига асосланади.

Молиялаштириш усулларига кўра, тақсимловчи (авлодлар бирдамлиги) ва жамғариб бориладиган пенсия тизимлари фарқланади.

Тақсимот тизими «авлодлар бирдамлиги» тамойилига асосланган бўлиб, пенсионерларга пенсия тўловлари кейинги авлод томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобидан таъминланади.

Жамғариб бориладиган тизимда эса бадаллар пенсионерларга жорий тўловларни амалга ошириш учун эмас, балки капиталлаштирилиб, инвестициялашдан олинган даромадлар билан биргаликда кейинчалик жамғаришни амалга оширган шахсларнинг пенсия таъминоти учун фойдаланилади. Аксарият мамлакатларда пенсия тизимларида тақсимот ва жамғариладиган тамойиллар биронтасининг устуворлиги шароитида аралаш ҳолда қўлланилади.

Пенсия жамғармалари маблағларини бошқаришда давлат муҳим роль ўйнайди ва бу борада давлатнинг иштироки турли мамлакатларда турличадир:

- Бевосита давлат бошқаруви (Уганда).

Жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларидаги маблағлар давлат бюджетининг таркибий қисми ҳисобланади ёки алоҳида пул шакллантирилади. Иккала ҳолатда ҳам маблағларни инвестициялаш тўғрисидаги қарорни давлат амалдорлари қабул қилади. Маблағларнинг катта қисми ушбу давлатнинг давлат қарз қоғозларига инвестицияланади, давлат банкларининг депозит ҳисобларига ўтказилади ёки давлат инвестицион лойиҳалари ўртасида тақсимланади.

- Бозор тамойиллари асосида давлат томонидан бошқариш. Бу турдаги тизим инвестицион қарорлар қабул қилиш жараёнига сиёсий таъсирларни пасайтириш зарурати натижасида вужудга келган. Ушбу ҳолатда жамғарма маблағлари аввалгидегидек давлат томонидан бошқарилади, бироқ инвестицион қарорларни амалдорлар эмас, балки давлат хизматида жалб қилинган мутахассилар қабул қилади. Ушбу тизим биринчисига қараганда турли инвестицион стратегияларнинг ўзига хос рискларини баҳолашни ишлаб чиқишни кўпроқ талаб қилади.

Базавий схема бўйича Канада давлат пенсия жамғармаси фаолият юритади. Кўпгина ҳолатларда бошқарувчи маблағларнинг бирмунча улуши билан ишлайди,

бу вақтда маблағларнинг қолган қисми биринчи схема бўйича тақсимланади (Сингапур, Фиджи).

Бундан ташқари, жамғарма ҳудудий тамойиллар бўйича бўлиниши мумкин ва ҳар бир ҳудуд ўзининг бошқарувчисини таклиф қилади (Боливия).

ХУЛОСА

1. Асосий даромад манбаига эга бўлган жамғармаларнинг таҳлилида ушбу жамғармаларнинг доимий равишда, тез – тез ўзгартирилиши, тизимларни қайта ташкил этилиши, Молия Вазирлиги томонидан жамғармаларга тўланадиган ажратмаларни мунтазам ўзгартирилиши ушбу жамғармаларнинг даромадларини бир меёрда бўлишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу жамғармалар олдида қўйилган вазифаларни бажаришда молиявий муаммоларга олиб келаётганлиги ҳамда бунинг натижасида ушбу харажатлар бюджет маблағлари ҳисобига қопланаётганлигини кўриш мумкин.

2. Олиб борилган таҳлиллар ва хориж (Германия, Буюк британия ва Франция) давлатлари тажрибаларидан келиб чиқиб ҳар бир мақсадли жамғармалар ҳоҳ алоҳида далаат миқёсида шаклланган ёки бирор бир тузилма таркибида шаклланганлигидан қатий назар улар ҳар томонлама мустақил, солиқ тўловчилар учун очик ва шаффоф ҳамда ҳолис фикрлайдиган ташки бошқарувчиларга (Сантьяго принциплари асосида) эга бўлиши шарт.

3. Пенсия жамғармасига ундириладиган маблағлар ҳажмини, йғиладиган бадаллар миқдорини ошириш ва натижада бюджетдан бериладиган трансфертларни бекор қилиниши мамлакатимизда ҳам пенсия тизимида молиявий мустақиллик шаклланиши ҳам бюджет маблағларини тежалишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекитсон Республикасининг Бюджет кодекси. <https://m.xabaruz.com/ru/jamiyat/byudjet-kodeksiga-ozgartishlar-kiritildi>.

2. Федоров Л.В. Развитие систем пенсионного обеспечения: теория, концепции, социальная динамика, бюджетно-финансовое совершенствование. Монография. – М.: РГСУ. 2016. – С. 5-29.

3. Мажидов Нурали Махмудович, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети катта илмий ходим-изланувчиси

4. 2023 йиллик пенсия <https://www.imv.uz/static/davlat-budjeti-xarajatlari-2023>
5. Финансовый менеджмент: учебник / Г. Б. Поляк [и др.]; под редакцией Г. Б. Поляка. — 4-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2018. — 456 с. — (Авторский учебник). — ISBN 978-5-9916-4395-5. — Текст: электронный // ЭБС Юрайт [сайт]. — URL: <https://urait.ru/bcode/411109> (дата обращения: 23.06.2021).
6. Новак Е. В. Интеграция сметного ценообразования и бюджетирования в строительстве: автореферат ... к.э.н. — М.: Российский университет кооперации, 2011. — 25 с.
7. <https://www.imv.uz/static/davlat-budjeti-daromadlari-2023>
8. <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/iqtisodiyot/germaniya-soliq-tizimining-tuzilishi>